

Saidafzal SAIDJALOLOV

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN

Senior Lecturer UNESCO Chair in Religious
Studies and Comparative study of world religions
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

**“МАЪРИФАТ ВА ДИНИЙ
БАҒРИКЕНГЛИК” РЕЗОЛЮЦИЯСИНИНГ
МАЗМУН-МОҲИЯТИ ҲАҚИДА**

**О СОДЕРЖАНИИ И ЗНАЧЕНИИ
РЕЗОЛЮЦИИ «ОБРАЗОВАНИЕ И
РЕЛИГИОЗНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ»**

**ABOUT THE CONTENT AND
SIGNIFICANCE OF THE RESOLUTION
“EDUCATION AND RELIGIOUS
TOLERANCE”**

Калит сўзлар: резолюция, декларация, бағрикенглик, маърифат, диний бағрикенглик бағрикенглик даражалари, бағрикенглик турлари, Ўзбекистонда бағрикенглик, эътиқод эркинлиги, бағрикенглик маданияти

Ключевые слова: резолюция, декларация, толерантность, просвещение, религиозная толерантность, уровни толерантности, виды толерантности, свобода веры, культура толерантности, толерантность в Узбекистане, культура толерантности.

Keywords: resolution, declaration, tolerance, enlightenment, religious tolerance, levels of tolerance, types of tolerance, freedom of belief, culture of tolerance, tolerance in Uzbekistan, culture of tolerance.

2018 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 73-сессияси 51-йиғилишида A/Res/73/128-рақамли “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси 193 та аъзо мамлакатлар томонидан яқдиллик билан қабул қилинди [undocs.org/ru/A/RES/73/128]. Аъзо мамлакатларнинг 50 дан ортиғи бу резолюцияни нафақат қўллаб-қувватлашларини, балки унга ҳаммуаллиф бўлишларини таъкидладилар. Эътиборли жиҳати, тарихий аҳамиятга эга бўлган мазкур халқаро ҳужжатни қабул қилиш ташаббуси она Ватанимиз – юксалаётган Ўзбекистонга тегишли.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда виждон ва эътиқод эркинлиги Конституция моддалари билан кафолатланди. Барча дин ва эътиқод вакиллари тенг шароит таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Конситуциясининг 18-моддасида:

Мақоланинг мақсади: “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг мазмуни, моҳияти ва аҳамиятини очиб беришдир. Мақолани ёзишда қиёслаш, анализ, синтез, индукция ва дедукция каби методлардан фойдаланилди.

Мақолада бағрикенгликнинг моҳияти, даражалари ва турлари таҳлилий баён қилинган. Жумладан, “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”га асосланган ҳолда бағрикенгликнинг моҳияти изоҳланган. Бағрикенгликнинг уч даражаси, унинг гендер, ирқий, миллий, лисоний, диний, мулкӣ ва ижтимоӣ каби турларининг таърифлари келтирилган.

“Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг муқаддимаси, хатбошилари ва барча моддалари моҳияти очиб берилган. Резолюциянинг ҳуқуқий асослари бўлмиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бағрикенглик борасида қабул қилинган декларация, резолюция ва ҳисоботлар ҳақида маълумотлар тақдим қилинган. Резолюцияни қабул қилиш ташаббуси айнан Ўзбекистонга тегишли экани изоҳланган.

“Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг дунёдаги тинчлик, барқарорлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашдаги ўрнини очиб бериш муаллифнинг асосий мақсадидир.

Целью статьи является разъяснение сущности, значения и актуальности//важности резолюции «Просвещение и религиозная толерантность». Для написания статьи использовались следующие методы: сравнительный анализ, синтез, индукция и дедукция.

В статье анализируются сущность, уровни и виды толерантности. В частности, упоминается определение толерантности на основе “Декларации принципов толерантности”. Подробно описываются все уровни и типы толерантности. Автор комментирует гендерные, расовые, этнические, языковые, экономические, социальные и религиозные типы терпимости.

Разъясняются сущность вступления, параграфов и всех статей резолюции «Просвещение и религиозная терпимость». Автор представляет информацию о правовых основах резолюции: декларациях и резолюциях и других документах ООН. Поясняется, что инициатива принятия резолюции принадлежит Узбекистану.

Цель автора - прояснить роль резолюции «Просвещение и религиозная терпимость» в обеспечении мира, стабильности и гармонии во всем мире.

The purpose of the article is to clarify the nature, meaning and significance of the resolution “Enlightenment and religious tolerance.” The following methods were used to write the article: comparative analysis, synthesis, induction and deduction.

The article analyzes the nature, levels and types of tolerance. In particular, the definition of tolerance is mentioned based on the “Declaration of the principles of tolerance”. All levels and types of tolerance are described in detail. The author comments on gender, racial, ethnic, linguistic, economic, social and religious types of tolerance.

The essence of the introduction, paragraphs and all articles of the resolution “Enlightenment and religious tolerance” is explained. The author provides information on the legal basis of the resolution: declarations and resolutions and other UN documents. It is explained that the initiative to adopt a resolution belongs to Uzbekistan.

The author’s goal is to clarify the role of the «Enlightenment and religious tolerance resolution» in ensuring peace, stability and harmony throughout the world.

“Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоӣ келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоӣ мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоӣ адолат принципларига мос бўлиши шарт” дея белгилаб қўйилган.

Конституциянинг 31-моддасига кўра: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”.

1998 йил 1 майда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун диний соҳадаги муносабатларни тартибга солишда ва жамиятда диний бағрикенглик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

Қонуннинг 3-моддасида виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқи экани, фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Қонуннинг 4-модда фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари динга муносабатидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш, душманлик ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки даҳрийлик

эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш, диний зиёратгоҳларни оёқ ости қилиш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 20 сентябрда Бош Ассамблеянинг 72-сессиясида қилган маърузасида жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб масалаларга халқаро ҳужжатларни қабул қилиш бўйича таклифларини илгари сурган эдилар. Уларнинг барчаси жаҳон ҳамжамияти томонидан ижобий баҳоланиб, қисқа муддатда ўзининг амалий ифодасини топганини таъкидлаш ўринли. Жумладан, 2018 йил 18 июнда Бош Ассамблеянинг Марказий Осиё давлатларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир A/72/L.61 рақамли резолюцияси қабул қилинди [undocs.org/ru/A/72/L.61]. 2018 йил 27 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлигида Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фонди ташкил этилди [news.un.org/ru/story/2018/11/1343611]. 2018 йил 12 декабрда A/Res/73.128 рақамли “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилинди.

“Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг қабул қилиниши глобал аҳамият касб этиб, халқаро ҳамжамиятнинг жаҳондаги тинчлик, осойишталик ва барқарорликни мустаҳкамлаш учун қўйган навбатдаги муҳим қадами бўлди. Мазкур халқаро ҳужжатнинг қабул қилиниши ўзбек дипломатиясининг бекиёс ютуғи, кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистонда олиб борилаётган улкан ислохотларнинг юксак эътирофи экани маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида такрор-такрор қайд этилди.

Бағрикенгликнинг луғавий маъноси “ўзга”нинг сизга унчалик ёқмайдиган жиҳатига сабр ва тоқат қилишдир. “Бағрикенглик” (“толерантлик”) сўзи деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи мазмунга эга. Уларни умумлаштириб “бағрикенглик” чидамлилиқ, бардошлилик, тоқатлилиқ, ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, мурувватлилиқ, ҳимматлилиқ, кечиримлилиқ, меҳрибонлик, ҳамдардлик каби маъноларга эга дейиш мумкин.

Бағрикенглик – бу дунёмининг бой маданияти, бизнинг ифода шаклларимиз ва инсон шахсиятини намоён этиш усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Бағрикенглик, бу, авваламбор, инсоннинг умумий ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш асосида шакл-

ланган фаол муносабат. “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”да таъкидланганидек, бағрикенглик бизнинг дунёмиздаги хилма-хилликни ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади [https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/toleranc.shtml].

Бағрикенглик моҳият-эътибори билан “бошқалар” ва “ўзгача” кадриятлар ҳақидаги билимлар, баҳолар ва унга асосланган амалий фаолият тизimini ўз ичига оладиган ижтимоий-маданий ҳодиса.

Ўзаро бир-бирини тушунмаслик бутун инсоният тарихи давомида ўзаро шубҳаланиш ва ишончсизликнинг, оқибатда турли ихтилофлар ва низо-ларнинг сабаби бўлган. Улуғ ватандошимиз Абу Райҳон Берунийнинг “Одамлар билмаган нарсаларига душманлик кўзи билан қарайдилар”, – деган фикрлари чуқур мазмунга эга.

Бағрикенглик тушунчаси ўз мазмун-моҳиятига кўра кенг қамровли тушунча сифатида жамиятнинг барча соҳаларидаги мавжуд муносабатларни қамраб олади. Бағрикенглик тафаккури инсонларнинг турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, маънавий, руҳий муносабатларини уларнинг миллати, ирқи, насл-насаби, иқтисодий аҳволи, дини ва эътиқодига қарамасдан мувозанатда сақлаш меъёрларини англатади [M.Alimova, I.Nigmatullayev,75].

Бағрикенглик даражалари. Бирор кимса билан мулоқотга киришганда унинг хулқи ёки кўри-нишидаги бирор жиҳат ёқмай қолса шунда ҳам сабр билан, унинг “айби”ни юзига солмай, тоқат қилиш бағрикенгликнинг қуйи даражасидир.

Кимдир нотўғри ва кўпол муомала қилиб, одоб қоидаларини бузса, унга нисбатан сабр қилиш ва маданият билан муомала қила олиш бағрикенгликнинг ўрта даражасидир.

Бирор жиҳати ёқмай қолган ёки нисбатан нотўғри муомала қилган инсонга кечиримлилиқ билан муносабатда бўлиш ва унинг камчилигини кўра туриб, ҳеч нима бўлмагандек, энг гўзал муомалада бўлиш, унинг кўполлигига ҳусни хулқ ва эзгу тилак билан жавоб қайтара олиш бағрикенгликнинг олий даражасидир.

Бағрикенглик турлари. Бағрикенгликнинг гендер, ирқий, миллий, лисоний, диний, мулкый ва ижтимоий турлари мавжуддир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида жамият аъзолари ўртасидаги тенглик тамойили қуйидагича ўз ифодасини топган: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий

мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”.

Гендер бағрикенглиги – Бу икки жинс, эркак ва аёл тоифалари ўртасидаги бағрикенг муносабатдир. Эркаклар аёлларга нисбатан жисмоний ва моддий жиҳатдан кучлироқдир. Аёл-қизларга нисбатан ҳоҳ у кичик, ҳоҳ катта бўлсин камситмай муомала қилиш гендер бағрикенглигини ифодалайди.

Иркий бағрикенглик. Иркий бағрикенглик ўзга инсоннинг оқми, қорами, сариқми, қандай рангда бўлишидан қатъи назар, унга бирдек муносабатда бўлишни англатади.

Иркий бағрикенглик – инсонларни ташқи қиёфаси ва кўринишига қараб камситмасдан, ранг-рўйдан камчилик ахтармасдан, барчага баробар муомалада бўлишдир.

Миллий бағрикенглик – Миллий бағрикенглик инсоннинг қайси миллат, элат, уруғ ва қабила вакили бўлиши, келиб чиқиши ва насли насабидан қатъи назар унга тенг муносабатда бўлишдир. Миллат ва элат сўзларининг латинча маъноси “этнос”дир. Бинобарин, миллий бағрикенглик илмий тилда этник бағрикенглик деб ҳам аталади.

Лисоний бағрикенглик – Мутахассислар фикрича, Ер юзида 6800дан ортиқ тил ва шеваалар бор экан. Инсон ўз она тилини, ўз шевасини қанчалик ардоқласа, ўзга тил ва шева соҳибларини ҳам шунчалик эъзозлаши даркор. Лисоний бағрикенглик – барча тил ва шеваларни камситмай, тенг кўриш ва уларга бирдек ҳурматда бўлишни англатади.

Мулкий бағрикенглик. Инсоният яралибдики, турли-туманлик унга ҳосдир. Иқтисодий салоҳияти, молу давлати, бойлигу сарватининг миқдорига қараб қадим-қадимдан одамзот бой, ўзига тўқ, ўрта ҳол ва иқтисодий ночор каби ҳолатларда турмуш кечирган. Лекин молу мулк кўплиги ёки озлигига қараб одамларни тоифага ажратиш доимо танқид марказида бўлган. Мулкий бағрикенглик – инсонларни мулкдор ёки мулксиз, бой ёхуд камбағалга ажратмай, барчага тенг муомала ва муносабатда бўлишдир.

Ижтимоий бағрикенглик – ижтимоий ёрдам ва кўмакка муҳтож бўлган кишилар, жисмоний ногиронлиги бўлган шахсларни камситмай, уларга тенг муносабатда бўлишдир.

Диний бағрикенглик – Дунёда мавжуд 7,5 миллиард одамнинг ҳар бири ўз диний ва эътиқодий дунёқарашига эга. Дунё аҳолисини инсоният деб аталмиш ягона тушунча бирлаштиради. Барча одамзотнинг илк отаси Одам Ато ва дастлабки онаси Момо Ҳавонинг фарзандларидир.

Диний бағрикенглик – бирор кишига нисбатан унинг дини ва эътиқодига қараб эмас, балки унинг аввало инсон эканлигини эътиборга олган тарзда муомала қилишни англатади.

Диний бағрикенглик – ҳар бир инсон ўз динига эътиқод қилишга ҳаққи борлигини тан олишдир.

Диний бағрикенглик – ўзга дин ва эътиқод вакилларига нисбатан ҳурматда бўлишдир.

Диний бағрикенглик – ўзи учун бегона бўлган эътиқод вакилларига нисбатан хавотир ва нафрат билан эмас, балки хотиржамлик ва самимият билан муносабат кўрсатишдир.

Диний бағрикенглик маданияти. Диний бағрикенглик маданияти – ўзга дин ва эътиқод вакиллари билан умуминсоний қадриятларга амал қилган ҳолда самимий мулоқот қилишни ифодаловчи хатти-ҳаракатлар йиғиндиси. Диний бағрикенглик маданияти – турли дин ва эътиқод вакиллари ўртасида ҳамжиҳатлик ва ижтимоий ҳамкорликни таъминловчи меъёрлар мажмуасидир. У ўзга дин ва эътиқод вакили билан турли ҳолатларда: сўзлашганда, суҳбатлашганда, кўни-қўшничилик, касбдошлик каби муносабатлардаги ахлоқ-одоб қоидаларини белгилаб беради.

“Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг айнан Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқирилишида ўзига хос рамзий маъно бор. Бугун миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро бағрикенгликни таъминлаш борасида Ўзбекистон намунаси жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Мазкур резолюция мамлакатимизнинг диний бағрикенглик ва конфессиялараро тотувликни таъминлашдаги ўзига хос тажрибасини намоён этгани билан бир қаторда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларни ҳам муайян даражада белгилаб берди.

“Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси муқаддима ва етти банддан иборатдир. Муқаддимада резолюциянинг мақсад ва вазифалари 16 та хатбошида қайд этилган. Улардан бештасида (1,2,3,7 ва 8-хатбошилар) резолюциянинг ҳукукий асослари зикр этилади. Дастлабки хатбошида мазкур ҳужжат:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави; 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган 217 (III) рақамли “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” [undocs.org/ru/A/RES/217%28III%29];

1966 йил 16 декабрда қабул қилинган A/Res_2200 (XXI) рақамли “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича Пакт” [undocs.org/A/RES/2200(XXI)];

1981 йил 25 ноябрда қабул қилинган 36/55 рақамли “Дин ва эътиқод борасидаги тоқатсизлик

ва дискриминациянинг ҳар қандай шакллари бартараф қилиш бўйича Декларация” [undocs.org/ru/A/RES/36/55] меъёрлари асосида тузилгани қайд этилади.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”нинг 18-моддасида: “Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга: бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русм ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яқка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади”, дея қайд этилади.

2018 йил декабрь ойида жаҳон ҳамжамияти “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”нинг 70 йиллигини кенг нишонлади. 2018 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тасдиқланиб, дастур доирасида мамлакатимизда мазкур муҳим санага бағишланган илмий анжуманлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар ташкил қилинди.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича Пакт” [undocs.org/A/RES/2200(XXI)]нинг [18-моддасида “Ҳар бир инсон фикр, виждон ва эътиқод эркинлигига эга” дея таъкидланади. Шунингдек, дин ва эътиқод борасидаги эркинлик фақат жамиятдаги хавфсизлик, тартиб, саломатлик ва ахлоқни муҳофаза қилиш таъминлаш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини асраш мақсадида чекланиши мумкинлиги қайд этилади.

“Дин ва эътиқод борасидаги тоқатсизлик ва дискриминациянинг ҳар қандай шакллари бартараф қилиш бўйича Декларация”нинг 1-моддасида “Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга” экани таъкидланади. Мазкур декларациянинг 2-моддасида ҳеч ким дин ёки эътиқод борасида камситилиши мумкин эмаслиги таъкидланади.

Кейинги хатбошиларда “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг ҳуқуқий асослари сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан турли йилларда қабул қилинган қуйидаги ҳужжатларга ҳавола йўлланади:

2012 йил 17 декабрдаги “Динлараро ва маданиятлараро мулоқотни, тинчлик йўлида ўзаро англашув ва ўзаро ҳамкорликни рағбатлантириш” ҳақидаги A/RES/67/104 рақамли резолюция [undocs.org/A/RES/67/104];

15 хатбоши ва 18 моддадан иборат мазкур резолюциянинг 1-моддасида ўзаро тушуниш ва динлараро ва маданиятлараро мулоқот цивилизациялар ва тинчлик маданияти ўртасидаги мулоқотнинг муҳим жиҳатлари эканлигини яна бир бор таъкидланади.

2015 йил 25 сентябрда қабул қилинган “Бизнинг дунёмизни ўзгартириш: Кун тартибида 2030 йилгача барқарор ривожланиш” ҳақидаги A/70/L.1 рақамли резолюция [undocs.org/A/70/L.1];

2015 йил 25-27 сентябрь кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 70 йиллиги нишонланаётган вақтда қабул қилинган декларация ўз олдига 17 мақсад ва улар билан боғлиқ 169 вазифани белгилаб олди. 91та рақамланган хатбошидан иборат мазкур ҳужжатнинг 19-хатбошисида: “Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига биноан барча давлатларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини унинг ирқи, ранги, жинси, тили, дини, сиёсий, эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати, туғилган жойи, ногиронлиги ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва илгари суриш мажбуриятларини таъкидлаймиз” дея қайд этил.

2015 йил 3 декабрда қабул қилинган “Динлараро ва маданиятлараро мулоқотни, тинчлик йўлида ўзаро англашув ва ўзаро ҳамкорликни рағбатлантириш” ҳақидаги A/RES/70/19 рақамли резолюция [undocs.org/A/RES/70/19];

25 хатбоши ва 18 моддадан иборат мазкур резолюция муқаддимасида барча динларнинг тинчлик тарафдори экани ва барча динлар ва эътиқодларнинг мўътадил вакиллари ўртасида хавфсиз ва тинч дунёни яратиш учун ҳамкорлик зарурлиги таъкидланади.

2015 йил 3 декабрда қабул қилинган “Тинчлик маданияти йўлидаги декларациялар ва ҳаракатлар дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари” ҳақидаги A/RES/70/20 рақамли резолюция [undocs.org/ru/A/RES/70/20];

22 хатбоши ва 16 моддадан иборат мазкур резолюция муқаддимасида дунё бўйлаб диний ва маданий хилма-хилликни ҳурмат қилиш ва англашнинг муҳимлигини эътироф этган ҳолда, қарама-қаршилик ва бир-бирига қарши туришнинг ўрнига мулоқотни танлаш, ўзаро қарама-қаршиликлар ўрнига ўзаро ҳамкорликни танлаш муҳимлиги тан олинади.

2017 йил 11 декабрда қабул қилинган “Динлараро ва маданиятлараро мулоқотни, тинчлик йўлида ўзаро англашув ва ўзаро ҳамкорликни рағбатлантириш” ҳақидаги A/RES/72/136 рақамли резолюция [undocs.org/A/RES/72/136]

31 хатбоши ва 18 моддадан иборат мазкур резолюциянинг 3-моддасида динлараро ва маданиятлараро мулоқот ўзаро тушуниш, ўзаро бағрикенглик ва ҳурматга эришишга, шунингдек, тинчлик маданиятини тарғиб қилишга ва турли маданий ва диний қарашларга эга одамлар ва давлатлар ўртасидаги умумий муносабатларни яхшилашга муҳим ҳисса қўшиши таъкидланади.

2017 йил 19 декабрда қабул қилинган “Тоқатсизликка, салбий стереотипларни юзага келтиришга, стигматизация (лақаб қўйиш орқали ижтимоий камситиш) ва дискриминацияга, дини ва эътиқоди сабабли кишиларга зўравонлик қилишга ёки зўравонлик қилишга чақиришга қарши кураш” ҳақидаги A/RES/72/176 рақамли резолюция [undocs.org/A/RES/72/176].

26 хатбоши ва 12 моддадан ибора мазкур резолюциянинг муқаддимасида Давлатлар, минтақавий ташкилотлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, нодавлат ташкилотлари, диний ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари бағрикенгликни рағбатлантиришда, диний ва маданий хилма-хилликни ҳурмат қилишда, инсон ҳуқуқларини, шу жумладан, дин ёки эътиқод борасидаги эркинликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим рол ўйнаши алоҳида эътироф этилган.

2018 йил 24 сентябрдаги “Динлараро ва маданиятлараро мулоқотни, тинчлик йўлида ўзаро англашув ва ўзаро ҳамкорликни рағбатлантириш” мавзусидаги A/73/391 рақамли Бош қотиб ҳисобот маърузаси [undocs.org/A/73/391].

Ушбу ҳисобот Бош Ассамблеянинг 72/136, 72/137 ва 72/17 резолюцияларига мувофиқ тақдим этилган бўлиб, уларда Бош қотибдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муассаса ва бўлинмаларининг тинчлик маданияти ҳамда динлараро ва маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш борасидаги фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиш сўралган. Маданиятлараро яқинлашувнинг халқаро ўн йиллиги (2013 – 2022) бўйича етакчи агентлик сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассасаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли ташкилотлари билан биргаликда ривожланаётган тенденцияларни ёритувчи ва ҳаракатлар бўйича тавсияларни тақдим этувчи Бош қотибнинг “Динлараро ва маданиятлараро мулоқотни, тинчлик йўлида ўзаро англашув ва ўзаро ҳамкорликни рағбатлантириш” мавзусидаги мазкур ҳисоботи тақдим этилди.

“Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг муқаддимасида Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан диний бағрикенгликни,

конфессиялараро мулоқотни, тинчлик маданиятини сақлаш борасида қабул қилинган барча меъёрий ҳужжатлар устуворлиги эътироф этилган. Ҳар бир инсон фикр, виждон ва эътиқод эркинлигига эга экани таъкидланган. Давлатларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги масъулияти эслатиб ўтилган. Турли дин вакиллариининг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаси тан олинган. Дунёнинг турфалиги, барча маданият ва тамаддунлар инсониятни бойитишга хизмат қилишини англаш зарурати қайд этилган. БМТ томонидан қабул қилинган “2030 йилгача барқарор ривожланиш Кун тартиби”ни қўллаб-қувватлаш муҳимлиги эътироф этилган. Маърифат, тинчлик, инсон ҳуқуқлари, бағрикенглик ва дўстликни таъминлашнинг аҳамияти таъкидланган.

Резолюцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фан, таълим ва маданият масалалари бўйича муассасаси – ЮНЕСКОнинг тинчлик ва бағрикенгликни таъминлашдаги ҳал қилувчи ўрни эътироф этилган. Интеграция, ўзаро ҳурмат, инсон ҳуқуқлари, бағрикенглик, толерантлик ва ўзаро бир-бирини англашнинг дунёдаги тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти қайд этилган. Бугунги кунда айрим жойларда дин ва эътиқод борасида дискриминация, таҳқирлаш ҳамда зўравонлик давом этаётганидан, террористик гуруҳлар кишиларни дини ва эътиқоди сабабли террор қилаётганидан жиддий хавотир ва ташвиш изҳор қилинган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва муносиб ҳужжатларига тўғри келмайдиган ҳаракатларга йўл қўймаслик учун тамаддунлар, маданиятлар, динлар ўртасидаги ўзаро тушуниш ва англашни рағбатлантириш, диний бағрикенглик руҳида тарбиялашнинг аҳамиятини ҳисобга олиш зарурлиги таъкидланган.

Бу борада динлар, маданиятлар ва конфессиялараро уйғунликни таъминлаш ва дини-эътиқоди сабабли таҳқирланишга қарши қаратилган халқаро, минтақавий ва миллий миқёсдаги ташаббуслар қўллаб-қувватланган. Диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш бутун жаҳон бўйлаб тинчлик, ижтимоий адолат, дўстлик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда жаҳолат ва зўравонлик амалиётини бартараф қилишни таъминлаши эътироф этилган. Минтақавий ташкилотлар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи миллий муассасалар, нодавлат ташкилотлар, диний ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг диний ва маданий турфаликни, дин ва эътиқод эркинлигини бутун жаҳон бўйлаб қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш борасидаги масъулиятлари алоҳида таъкидланган.

“Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг моддаларида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг муассасаларининг турли шакллардаги мулоқот ва ҳамкорликни таъминлаш ҳамда қўллаб қувватлашдаги бекиёс ўрни қайд этилган. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Цивилизациялар Альянсининг янада тинч ва янада барқарор дунёни қуришдаги ўрни ҳам тан олинган. Таъкидлаш жоиз, Цивилизациялар Альянси миллатлар, маданиятлар ва динлар ўртасидаги мулоқотни йўлга қўйиш орқали экстремизмга қарши кураш, ғарб ва мусулмон дунёси ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида 2005 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 59-сессияси қарори билан ташкил қилинган.

“Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси БМТга аъзо давлатларни “Дин ва эътиқод борасидаги тоқатсизлик ва дискриминациянинг ҳар қандай шакллари бартараф қилиш бўйича Декларация”нинг тамойиллари ва мақсадларини татиб қилиш бўйича ҳамкорлик қилишга чақирган.

Резолюцияда халқаро ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари ва халқаро инсонпарвар ҳуқуқни бузиб, миллий, ирқий ва диний адоватни кўзгаган ҳолда қасддан диний обида ва ашёларни бузиш орқали диний жойларга, объектлар ва зиёратгоҳларга нисбатан уюштирилаётган ҳар қандай фитналарга нисбатан жиддий ташвиш ва хавотир изҳор қилинган.

Аъзо давлатларга миллий ва халқаро оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, интернетда бағрикенгликни, зўравонликдан воз кечишни, дин ва эътиқод эркинлигини тарғиб қилувчи маърифий хабарларни тарқатишни кўзлаган кенг ахборот-тарғибот ишларини олиб бориш орқали муносиб коммуникацион стратегияни амалга оширишни таклиф қилган.

Дин ва эътиқод хилма-хиллигини ҳурмат қилган ва инсон ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда тинчлик ва бағрикенглик маданияти мустаҳкамлашга қаратилган глобал мулоқотни ҳар қандай даражада ва миқёсда йўлга қўйиш учун халқаро фаолиятни фаоллаштиришга чақирган.

Резолюциянинг 1-моддасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги тегишли муассасаларнинг ўзаро мулоқотни барча шаклларида, шу жумладан, динлар ёки эътиқод тарафдорлари, диндошлар ва фикрдошлар ўртасидаги бағрикенгликни, ҳурмат ва тушунишни янада кенгроқ ривожлантиришдаги, хусусан, аёлларнинг иштирокидаги мулоқотни кенгроқ ривожлантиришга қўшган бебаҳо ҳиссасини олқишланган.

2-моддада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Цивилизациялар Альянсининг тсивилизациялар, маданиятлар, динлар ва эътиқодлар ўртасидаги чуқур тушуниш ва ҳурматни рағбатлантириш орқали янада тинч, ижтимоий жиҳатдан кенг қамровли дунёни барпо этишда муҳим роли қўллаб-қувватланган.

3-модда аъзо давлатларни динга ёки эътиқодга асосланган мурасасизлик ва дискриминациянинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги декларациянинг принциплари ва мақсадларини амалга оширишда ягона позицияни сақлашга даъват этган.

Резолюциянинг 4-моддаси алоҳида эътиборга эга бўлиб, қўллаб-қувватлаш миллий ва хориж оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида айнан мазкур моддага алоҳида эътибор қаратдилар. Унда резолюция аъзо давлатларни фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинликларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги ўз ҳаракатларини фаоллаштиришга ва бу мақсадда қуйидаги ишларни амалга оширишга тавсия қилган:

а) аъзо давлатлар маориф ва бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда турли давлатлар юрисдикцияларида жойлашган диний озчиликнинг маданияти, тили ва анъаналар ҳақида кенг маълумот беришлари билан динлар ва ақидалар турфалигини жамиятда кенг тарғиб қилишлари зарур. Бу орқали дин ва эътиқод эркинлигига тегишли бўлган масалаларда ўзаро тушунишни, бағрикенгликни, таҳқирламасликни ва ҳурматни таъминлашда ҳамкорлик қилишлари;

б) миллий ва халқаро даражада ташкил қилинадиган маданиятлараро ҳамкорликни ва осуда ҳаёт бунёдкорлигини қўллаб-қувватлашлари;

с) илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлашлари.

5-моддада халқаро ҳуқуқ, хусусан, инсон ҳуқуқлари ва халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларига зид равишда диний жойлар, объектлар ва зиёратгоҳларга қилинган ҳар қандай тажовузлар, шу жумладан, ёдгорликлар ва ёдгорликларни қасддан йўқ қилиш, шу жумладан бундай ҳаракатлар миллий, ирқий ёки диний адоватни кўзга билан боғлиқ жиддий ташвиш билдирилган.

6-модда аъзо давлатларни тегишли алоқа стратегияларини, жумладан, миллий ва халқаро оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, Интернетдан фойдаланган ҳолда кенг қўламли хабардорлик кампанияларини амалга оширишга, бағрикенглик, зўравонлик ва диний эътиқод эркинлиги тўғрисида маърифий маълумотларни тарқатишга таклиф қилган.

Резолюциянинг 7-моддаси инсон ҳуқуқларини

хурмат қилиш ва динлар ва эътиқодларнинг хилма-хиллигини хурмат қилишга асосланган барча даражаларда бағрикенглик ва тинчлик маданиятини тарғиб қилиш бўйича глобал мулоқотни кучайтиришга чақирган.

Ўзбекистондаги диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик тарихий илдизларга эга. Тарихчилар эътирофига қўра, бу диёрда қадим-қадимдан диний ёки ақидавий масалаларда низо ёки келишмовчилик бўлмаган. Бу қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

Биринчидан, Ўзбекистон тарихан турли маданиятлар ва қадриятлар чорраҳасида жойлашди. Бу эса ўзга урф-одат ва анъаналарга нисбатан хурмат ва кенгбағирлик руҳини шакллантирди. Ксенофобия каби нотаниш тушунчаларга қўрқув ва ҳадик билан муносабатла бўлиш олдини олди. Буюк Ипак йўли орқали нафақат моддий, балки маънавий янгиликларнинг мунтазам етиб келиши диёр халқларига оламнинг турфалигини англаш имконини берди.

Иккинчидан, Марказий Осиё халқлари асрлар давомида исломдаги ҳанафий-мотуридий таълимотига амал қилиб келганлар Ҳанафийлик ўзининг мўътадиллиги, урф-одат ва анъаналарга эътибор бериши билан мўътадил мазҳаб сифатида эътироф этилган. Мотуридия маърифий исломнинг мусаллоҳ ақидасини илмий жиҳатдан исботлаган таълимот сифатида ўзга дин вакилларига бағрикенглик муносабатни ўзида акс эттирган. Бир дин вакиллари ўзаро ихтилоф ва зиддиятга боришдан қайтарган. Ўзбекистоннинг барча йирик маърифий марказларида бағрикенглик ғоялари устувор аҳамият касб этган. [Н.Мухамедов, 55]

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессия вакиллари ўртасида ўзаро хурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир.

“Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг қабул қилиниши жаҳон ҳамжамияти томонидан олқишлар билан қабул қилинди. Хориж оммавий ахборот воситаларидан бири қайд этганидек: “Биз шу пайтгача дунёни гўзаллик кутқаради, деб келдик. Мазкур резолюциядан сўнг, бу ибора ўзгарди: “Дунёни маърифат кутқаради”.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. BMTning “Ma’rifat va diniy “bag’rikenglik” rezolyutsiyasi. <https://undocs.org/ru/%20A/RES/73/128>
2. BMTning “O’rta Osiyo mintaqasida tinchlik, barqarorlik va muntazam rivojlanishni ta’minlash uchun mintaqaviy va xalqaro hamkorlikni kuchaytirish” rezolyutsiyasi. <https://undocs.org/ru/A/72/L.61>
3. BMTda Orol dengizi aholisiga yordam jamg’armasi taqdimoti bo’lib o’tdi <https://news.un.org/ru/story/2018/11/1343611>
4. BMTning “Bag’rikenglik tamoyillari” deklaratsiyasi https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/toleranc.shtml
5. BMTning “Inson huquqlari Umumjahon deklaratsiyasi” <https://undocs.org/ru/A/RES/217%28III%29>
6. BMTning “Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar bo’yicha xalqaro Pakti” [https://undocs.org/A/RES/2200\(XXI\)](https://undocs.org/A/RES/2200(XXI))
7. BMTning “Din va e’tiqod borasidagi toqatsizlik va diskriminatsiyaning har qanday shakllarini bartaraf qilish bo’yicha Deklaratsiya”si. <https://undocs.org/ru/A/RES/36/55>
8. BMTning Dinlararo va madaniyatlararo muloqotni, tinchlik yo’lida o’zaro anglashuv va o’zaro hamkorlikni rag’batlantirish” haqidagi rezolyutsiyasi <https://undocs.org/A/RES/67/104>
9. BMTning “Bizning dunyomizni o’zgartirish: Kun tartibida 2030 yilgacha barqaror rivojlanish” haqidagi rezolyutsiyasi <https://undocs.org/A/70/L.1>
10. BMTning “Dinlararo va madaniyatlararo muloqotni, tinchlik yo’lida o’zaro anglashuv va o’zaro hamkorlikni rag’batlantirish” rezolyutsiyasi <https://undocs.org/A/RES/70/19>
11. BMTning “Tinchlik madaniyati yo’lidagi deklaratsiyalar va harakatlar dasturlarini amalga oshirish chora-tadbirlari” rezolyutsiyasi <https://undocs.org/ru/A/RES/70/20>
12. BMTning “Dinlararo va madaniyatlararo muloqotni, tinchlik yo’lida o’zaro anglashuv va o’zaro hamkorlikni rag’batlantirish” rezolyutsiyasi <https://undocs.org/A/RES/72/136>
13. BMTning “Toqatsizlikka, salbiy stereotiplarni yuzaga keltirishga, stigmatizatsiya (laqab qo’yish orqali ijtimoiy kamsitish) va diskriminatsiyaga, dini va e’tiqodi sababli kishilarga zo’ravonlik qilishga yoki zo’ravonlik qilishga chaqirishga qarshi kurash” rezolyutsiyasi <https://undocs.org/A/RES/72/176>
14. “Dinlararo va madaniyatlararo muloqotni, tinchlik yo’lida o’zaro anglashuv va o’zaro hamkorlikni rag’batlantirish” mavzusidagi BMT Bosh kotibi hisobot ma’ruzasi <https://undocs.org/A/73/391>
15. O’zbekistonda millatlararo totuvlik va diniy bag’rikenglikni ta’minlash borasida rahbar kadrlar oldida turgan vazifalar: mavjud holat, muammolar va yechimlar: Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari //O’zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi. Toshkent, 2019.

16. Alimova, Mahfuza and Nigmatullayev, Ibrohim (2019) "CLARIFICATION OF TOLERANCE IN ISLAMIC SOURCES," The Light of Islam: Vol. 2019.: Iss. 1 , Article 13. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss1/13>
17. Н. А. Мухаммедов, ИДЕИ ТОЛЕРАНТНОСТИ И ГУМАНИЗМА В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧЁНЫХ СУФИЕВ ОАЗИСА ТАШКЕНТ. http://sociosfera.com/files/conference/2014/k-05_13_14.pdf#page=54-57
18. Alidjanova, L. A. (2019). The value of the scientific approach in the study of religions and science. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (80), 508-512. So: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-80-96> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.12.80.96>
19. Усманджанова К.Д. (2019). Теоретические подходы к изучению виртуализации общества. History Research Journal, 5 (4), 93-99. <https://journals.eduindex.org/index.php/hrj/article/view/7132>
20. Abdullayeva, Moxira (2018) "APPROACHES FOR STUDYING RELIGIOUS PROCESS IN CYBERSPACE," The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 13. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/13>
21. Rahimjonov, Durbek (2019) "The importance of social rehabilitation of people who have fallen under the influence of extremist ideas in the process of globalization," The Light of Islam: Vol. 2019.: Iss. 1 , Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss1/12>

